

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ҲУДУДИЙ МАРКАЗИ**

**АНИҚ ВА ТАБИИЙ ФАНЛАР МЕТОДИКАСИ КАФЕДРАСИ**

**ГЕОГРАФИЯ ДАРСЛАРИДА ФАНГА ОИД КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ  
ШАКЛЛАНТИРИШ**

*(умумтаълим мактабларининг география фани ўқитувчилари учун услубий  
кўрсатма)*



А.Қ.Самъяев, Б.Б.Эшқувватов – География дарсларида фанга оид компетенцияларни шакллантириш. –Самарқанд, 2018. 24– бет.

Ушбу услубий кўрсатмада умумтаълим мактабларининг география фанларини ўқитишида ўқувчиларда шакллантирилаётган таянч ва фанга оид компетенциялар, уларни қўллашга доир методик тавсиялар берилган. Кўрсатма умумтаълим мактабларининг география фани ўқитувчиларига мўлжалланган.

**Масъул мухаррир:**

Ж. Эшқуватов- Илғор тажриба ва халқаро ҳамкорлик, илмий-ахборот тадқиқотлар бўлими бошлиғи

**ТАҚРИЗЧИЛАР:**

М.Р. Усмонов – СамДУ иқтисодий ва ижтимоий география кафедраси доценти

Н.А.Юнусова- СамДУ ҳузуридаги ХТХҚТМО ҳудудий маркази Аниқ ва табиий фанлар методикаси кафедраси ўқитувчиси

Ушбу услубий кўрсатма СамДУ ҳузуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази Илмий Кенгашининг 2018 йил “\_\_\_” декабрдаги \_\_\_ сонли қарорига биноан нашрга тавсия этилган.

## КИРИШ

Умумий ўрта таълим мактабларида география таълимининг мақсади унинг фантехника тараққиётида, ишлаб чиқариш соҳасида ва кундалик ҳаётда тутган ўрни билан белгиланади. Мактабда география ўқитиш ва таълимнинг умумий мақсадларига хизмат қилиши, яъни ўқувчиларнинг илмий дунёқараши, мантиқий тафаккур қила олиш қобилияти, ақлий ривожланиши, ўз-ўзини англаш салоҳиятини шакллантириши ва ўстириши, уларда миллий ва умуминсоний қадриятларни таркиб топтириши ҳамда ижтимоий ҳаётлари ва таълим олишни давом эттиришлари учун зарур бўлган билимларни эгаллаши лозим.

Шу билан бирга фаннинг асосий вазифаси табиат ва ундаги ҳодисалар, атрофимиздаги оламга нисбатан ижобий туйғуларни шакллантириш, табиатни қадрлаш, муҳофаза қилиш, ўлка табиатига муҳаббат ҳиссини уйғотиш, назарий олган билимларини амалда қўллаш маҳоратини, Ер ҳақидаги илмий дунёқараашларини шакллантириш, табиий, ижтимоий-иктисодий билимларни таркиб топтириш, дунё давлатлари ва турли регионлардаги жамият ва табиатни ўзаро боғлиқлиги, географик объект, жараён ва ҳодисалар ҳақидаги билим ва тушунчалар билан қуроллантириш, географик маданиятни тарбиялаш, Ер юзининг табиий манзараси, табиатдан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, аҳоли турмуш даражасини кўтариш, атроф-муҳит ҳолатини яхшилаш воситалари ва усуслари ҳақида мантиқий фикрлашга ўргатишдан иборат:

- теварак атрофни ифода қилишнинг муҳим воситаси ва услуби бўлган харитадан моҳирона фойдалана олиш;
- ҳар бир фуқаронинг ўзи яшаб турган муҳитда самарали фаолият кўрсатишига зарур бўлган билим ва малака бериш билан рўёбга чиқиши ва ривожланишини таъминлаш;
- дарсликдан, илмий-оммабоп адабиётлар, ўқув атласлар, географик луғат ва маълумотномалардан, интернет саҳифаларидан географияга оид маълумотлар билан ишлай олиш;
- саноат тармоқларининг ҳудудий жиҳатдан қандай жойлаштирилганлигини аниқлай олиш кўнкима ва малакаларига эга бўлиш;
- табиатдан ва унинг бойликларидан фойдаланишда ҳамда табиатни муҳофаза қилишда географик қонуниятларга амал қилган ҳолда иш юритиш.

## **Компетенциявий ёндашувга асосланган таълим**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги М 187-сонли қарорига асосан компетенциявий ёндашувга асосланган янги ДТС қабул қилинди. Инглизча “**competence**” тушунчаси луғавий жиҳатдан “Эришайпман, муносибман, лойиқман” маъносини ифодалайди .Мазмунан эса “фаолиятда назарий билимлардан самарали фойдаланиш, юкори даражадаги касбий малака, маҳорат ва иқтидорни намоён эта олиш”ни ёритишга хизмат қиласи. Компетенциянинг асосий мақсади ўқувчиларда эгалланган назарий билим, кўникма ва малакаларини ўз шахсий, касбий ва ижтимоий фаолиятларида амалда қўллай олишга қаратилган.

Компетенциявий ёндашувга асосланган таълим ўқувчиларда мустақиллик, фаол фуқаролик позициясига эга бўлиш, ташаббускорлик, медиаресурслар ва ахборот-коммуникация технологияларидан ўз фаолиятида оқилона фойдалана олиш, онгли равишда касб-хунар танлаш, соғлом рақобат ҳамда умуммаданий кўникмаларини шакллантиради.

Инсон ўз ҳаётида шахсий, ижтимоий, иқтисодий ва касбий муносабатларга киришиши, жамиятда ўз ўрнини эгаллаши, дуч келадиган муаммоларнинг ечимини ҳал этиши, энг муҳими ўз соҳаси, касби бўйича рақобатбардош бўлиши учун зарур бўлган **таянч компетенцияларга** эга бўлиши лозим.

Бундан ташқари, таълимда ҳар бир ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида ўқувчиларда, шу фаннинг ўзига хослиги, мазмунидан келиб чиккан ҳолда, ўқув предметига тегишли **фанга оид компетенциялар** ҳам шакллантирилади.

Ўзбекистон Республикасида таълимнинг узлуксизлиги, баркамол шахсни тарбиялашга йўналтирилганлигидан келиб чиккан ҳолда, умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар таълимида (9+3) ўқитиладиган умутаълим фанлари мазмунининг изчиллигини таъминлаш мақсадида таянч компетенциялар ҳамда ҳар бир ўқув фани мазмунидан келиб чиккан ҳолда фанга оид компетенциялар белгиланди.

### **Таянч компетенциялар:**

#### **1.Коммуникатив компетенция**

- ✓ жамиятда ўзаро мулоқотга киришиш учун она тили ва бирорта хорижий тилни мукаммал ўзлаштириш ҳамда мулоқотда самарали фойдалана олиш;
- ✓ ўз фикрини оғзаки ва ёзма тарзда аниқ ва тушунарли баён қила олиш, мавзудан келиб чиқиб саволларни мантиқан тўғри қўя олиш ва жавоб бериш;
- ✓ ижтимоий мослашувчанлик, ўзаро мулоқотда муомала маданиятига амал қилиш, жамоавий ҳамкорликда ишлай олиш;

- ✓ муроқотда сұхбатдош фикрини ҳурмат қилған ҳолда ўз позициясини ҳимоя қила билиш, уни ишонтира билиш;
- ✓ турли зиддиятли вазиятларда ўз әхтиросларини бошқариш, муаммо ва келишмовчиликларни ҳал этишда зарур (конструктив) бўлган қарорларни қабул қила олиш.

## **2. Ахборот билан ишлаш компетенцияси**

- ✓ мавжуд ахборот манбаларидан (интернет, телевизор, радио (аудио-видео ёзув), телефон, компьютер, электрон почта ва бошқ.) фойдалана олиш;
- ✓ медиа воситалардан зарур бўлган ахборотларни излаб топа олиш, саралаш, қайта ишлаш, узатиш, сақлаш, хавфсизлигини таъминлаш ва фойдаланишда медиа-маданиятга риоя қилиш;
- ✓ маълумотлар базасини яратса олиш, асосийларини танлай олиш ва уларни таҳлил қила билиш;
- ✓ кундалик фаолиятда учрайдиган ҳужжатлар билан ишлай олиш (оддий табрикномалар ёза олиш, анкеталарни тўлдириш, меҳмонхона рўйхатида ўзи тўғрисидаги маълумотларни қайд эта олиши ва бошқ ).

## **3. Шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш компетенцияси**

- ✓ шахс сифатида доимий равища ўз-ўзини ривожлантириш, жисмоний, маънавий, рухий ва интеллектуал камолотга интилиш;
  - ✓ ҳаёт давомида ўқиб-ўрганиш, билим, тажрибани мустақил равища мунтазам ошириб бориш;
  - ✓ ўз ҳатти-ҳаракатини адекват баҳолаш, ўзини назорат қила билиш, ҳалоллик, тўғрилик каби сифатларга эга бўлиш;
  - ✓ ўқиб-ўргангандарни ва ҳаёт тажрибасидан фойдаланган ҳолда кундалик турмушда учрайдиган муаммоларни ҳал эта олиш.
- ✓

## **4. Ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси**

- ✓ Жамиятда бўлаётган воқеа, ҳодиса ва жараёнларга дахлдорликни ҳис этиш ва фаол иштирок этиш;
- ✓ ўзининг фуқаролик бурч ва ҳуқуқларини билиши, унга риоя қилиш (яъни харидор, сайловчи, мижоз, ишлаб чиқарувчи сифатида фаолият юрита олиш);

- ✓ меҳнат ва фуқаролик муносабатларида мумомала, иқтисодий, ҳуқукий маданиятга эга бўлиш;
- ✓ касбий мавқеининг ўсишига интилиш билан жамият ва оиласи манфаатлари учун хизмат қилиш, ёрдамга муҳтожларга саҳоватли бўлиш.
- ✓

### **5. Миллий ва умуммаданий компетенциялар**

- ✓ Ватанга садоқатли, инсонларга меҳр-оқибатли ҳамда умуминсоний ва миллий қадриятларга эътиқодли бўлиш;
- ✓ бадиий ва санъат асарларини тушуниш, таъсирлана олиш; ораста кийиниш, юриш-туришда маданий мөъёларга ва соғлом турмуш тарзига амал қилиш,
- ✓ умумбашарий аҳамиятга эга бўлган қадриятларни (урф одатлар, маросимлар, миллий-маданий анъаналар ва.х.к.) билиш, унга ҳурмат билан муносабатда бўлиш;
- ✓ ўзгаларга нисбатан меҳр-мурувват, сахийлик, ўзгаларнинг дунёқараши, диний эътиқоди, миллий ва этник ҳусусиятлари, анъана ва маросимларини ҳурмат қилиш;
- ✓ ҳалқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрар, жамиятда ўрнатилган одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш.

### **6. Математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияси**

- ✓ аниқ ҳисоб-китобларга асосланган ҳолда шахсий, оилавий, касбий ва иқтисодий режаларини тузга олиш;
- ✓ шахсий, ижтимоий ва иқтисодий муносабатларда ҳисоб-китоб билан иш юритиш;
- ✓ кундалик фаолиятда турли формула, модел, чизма, график ва диаграммаларни ўқий олиш ва фойдаланиш;

инсон меҳнатини енгиллаштирадиган, меҳнат унумдорлигини оширадиган ва қулай шарт-шароитга олиб келадиган фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдалана олиш.

### **География фанидан фанга оид компетенциялар**

#### **Табиий жараён ва ҳодисаларни кузатиш, тушиниш ва тушунтириш:**

Ернинг ўз ўқи ва Куёш атрофида айланиши ва уларнинг оқибатларини, йил фасллари, кун ва туннинг алмашиниш сабабларини, Ер қимирлаш, вулқонлар, тоғларнинг ҳосил бўлиши, ташқи жараёнлар таъсирида рельефнинг ўзгариши, тоғ жинсларининг пайдо бўлиши, об-ҳавонинг ўзгариши, шамоллар, ёғинлар, атмосферада рўй берадиган

табиий жараён ва ҳодисаларнинг ҳолати ва ўзгаришини (ҳаво ҳароратини, ёғинларни, шамол йўналиши), атмосфера ҳавосининг ифлосланиши, организмларнинг Ер қобикларига таъсирини, тупроқнинг ҳосил бўлиши ва ўзгариши, ландшафтларнинг ҳосил бўлиш ва ўзгариши, дарёлар ва кўлларнинг ифлосланиши, жамият ва табиат ўртасидаги ўзаро алоқалар, инсон фаолияти таъсирида ландшафтларнинг ўзгаришини, кузатиш, тушуниш ва тушунтира олиш, географиядан эгаллаган билим, кўникмаларидан кундалик турмушда фойдаланиб: метеоасбоблар ёрдамида ҳаво ҳарорати, намлиги, ёғин микдори, ҳаво босими, шамол йўналиши ва тезлигини, уфқ томонларни аниқлай олиш. Жой планини (мактаб, уй) туза олиш, табиатнинг маҳаллий белгиларига қараб табиий ҳодисалар ва жараёнларни башорат қила олиш, давлатлар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик, хўжалик фаолияти таъсирида ўзгарган табиат компонентлари бўйича олган билим ва кўникмаларини кундалик турмушда қўллай олиш.

**Масалан:** 5- синфда “Дарёлар”, 7-синфда “Ўзбекистон ички сувлари ва сув бойликлари” мавзулари берилган. Мазкур мавзуни ўрганиш давомида ўқувчилар ўзлари яшайдиган худудидан оқиб ўтувчи дарё, канал, анхорнинг сув микдоридаги ўзгаришларни кузатадилар, яъни қайси даврда уларда сувнинг тўлиб ёки камайиб оқиши, дарёнинг оқим йўналиши ва характеристига рельефнинг таъсирини ўрганадилар, ўлчов лентаси ёрдамида канал ва анхорнинг кенглигини ва лот (учига юк боғланган ингичка аркон) ёрдамида уларнинг чуқурлигини, секундомер ва сувгич пўқаклар ёрдамида оқим тезлигини ўлчаш ишларини мустақил бажарадилар. Шу билан бирга сув ҳавзаларини ифлослантираслик учун алоҳида тушунчаларга эга бўладилар. Бунда ўқувчиларда табиий жараён ва ҳодисаларни кузатиш, тушуниш ва тушунтириш, экологик маданият, географик билимларни амалиётда қўллай олиш каби фанга оид хусусий компетенциялар билан бирга, математик саводхонлик ва умуммаданий, коммуникативлик (географик ўлчов бирликларини ўқиши ва ёзиш, гапириб бериш) компетенциялари шакллантирилади.

**5-синф “Ҳаво ҳарорати ва босими”** мавзусида ўқувчилар олган билим кўникмаларига таяниб, географик майдончада термометр ёрдамида ҳароратни, барометр ёрдамида ҳаво босимини ўлчайдилар, олиб борилган об- ҳаво кузатув натижалари (об- ҳаво календаридағи қайдлар) асосида ҳафталик ҳаво ҳароратининг энг паст ва энг юқори қийматларини аниқлаб топадилар. Бунда албатта математика фанидан олган билмиларига асосида ўртача ҳароратни ҳисоблашда манфий ва мусбат ҳароратлар билан амаллар бажаришни йўлга қўядилар. Бу билан ўқувчиларда географик билимларни амалиётда қўллай олиш, математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенциялари шакллантирилади.

Шу билан бирга ўқувчилар физика, математика фанларидан олган билимларига таяниб сув (дарё, канал) нинг оқим тезлигини улар – тезлик формуласидан фойдаланиб аниқлаб топадилар. Натижада Физика фанига оид «Физик катталикларни ўлчаш ва аниқлаш”, секундомердан фойдаланишда эса “Физик билимлар ва асбоблардан амалиётда фойдалана олиш” компетенциялари шаклланади.

### **Иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни кузатиш, тушуниш ва тушунтириш**

Хўжалик тармоқлари, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг хусусиятларини, табиий бойликларнинг миллий иқтисодиётдаги аҳамиятини, давлат, шаҳар, ўзи яшайдиган (туман (шаҳар), қишлоқ) жой, аҳоли ва инсон омили, аҳолининг табиий қўпайиши, давлатлар ва ҳудудлар мисолида миграцион жараёнларни (аҳолининг ташқи ва ички миграцияси), Ер юзидағи ҳалқлар, уларнинг маданияти ва турмуш тарзидаги хусусиятларини, туризм ва рекреация марказлари, давлатлар ўртасидаги ҳалқаро иқтисодий алоқаларни кузатиш, тушиниш ва тушунтира олиш.

**8-синфда “Аҳоли ва инсон омили”** мавзусида ўқувчилар ўзлари яшайдиган ҳудудда аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга кўчишини яъни аҳолининг мамлакатдан ташқарига, мамлакат ичкарисида (районлар ўртасида ёки қишлоқ жойлардан шаҳарларга) кўчиб кетишини кузатиб, Орол денгизи ҳудуди аҳолисининг экологик ҳолат таъсирида бир жойдан иккинчи жойга кетиши, аҳолининг қишлоқ жойлардан шаҳарларга келиб, ишлаб чиқариш соҳаларида фаолият кўрсатишлари натижасида иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни тушуниб етиб, тушунтириб берадилар ва аҳолининг миграция ҳисобига механик қўпайишини аниқлайдилар. Мавзу юзасидан ўқувчиларда иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни кузатиш, тушиниш ва тушунтириш, экологик маданият, математик саводхонлик, географик билимларни амалиётда қўллай олиш компетенциялари шакллантирилади.

Шу билан мавзуни ўрганиш жараёнида ўқувчиларнинг иқтисодий билим асослари фанидан олган билимлари асосида аҳолининг меҳнатда бандлиги, турмуш тарзи, маънавий етуклиги ҳам муҳим аҳамият касб этиши ўргатилиб фанлараро компетенциялар шакллантирилади.

### **Табиатни муҳофаза қилиш ва экологик маданият:**

Инсон ҳаёти, турмуш тарзи, хўжалик фаолиятига табиий шароитнинг таъсирини; атроф - муҳитнинг ифлосланишида табиий ва антропоген омилларнинг таъсирини, озон қатламининг юпқалашувини, маданий ва суний ландшафтларнинг ҳосил бўлишини, табиий ва сунъий омиллар таъсирида вужудга келадиган – зилзила, вулқон, сел, сурилма, нураш, эрозия каби жараёнларни, маҳаллий, минтақавий, умумсайёравий экологик муаммоларни вужудга келишини, хавфли табиат ҳодисаларининг (қурғоқчилик, қора совуклар, сел келиши, сув тошқинлари) инсон ҳаётига хаф солаётганлигини англаб етиш ва хаф чораларини кўра олиш. Инсонларда экологик онгни шакллантириш, бутун борлиқни асраб-авайлаш ҳиссини ва она табиатга меҳир ўйғотиш.

7-синф “Ўзбекистоннинг сув бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш “ мавзусида инсон ҳаёти, турмуш тарзи, хўжалик фаолиятида айниқса дарёлар сувининг аҳамияти катта эканлиги сўнги йилларда ахолиннинг сув бойликларидан кўр-кўронга фойдаланиш, турли чиқиндиларнинг ташланиши натижасида сувларнинг ифлосланиши ва ундаги тирик организмларнинг нобуд бўлаётгани ва турли мақсадларда келиб чиқаётган экологик муаммолар ушбу муаммоларни ҳал қилишда ўқувчиларни ботаника, зоология фанларидан олган билимларига таяниб ўз ҳиссаларини қўшиши билан экологик муаммоларни олдини олиш орқали уларда экологик маданият, географик билимларни амалиётда қўллай олиш компетенциялари шакллантирилади.

### **Глобус , географик атлас ва хариталардан фойдалана олиш:**

Глобус, географик атлас ва хариталар ёрдамида шаҳарлар орасидаги масофани, уларнинг географик ўрнини, координаталарини, табиий хариталардан тоғларнинг баландлигини, денгиз ва океанларнинг чуқурлигини аниқлаш. Тупроқ ва ўсимлик хариталаридан Ер юзида қандай тупроқ ва ўсимлик турлари тарқалганлигини, тупроқнинг шўрланганлик даражасини ва сабабларини, иқтисодий хариталардан саноат тармоқларининг жойлашувини, ахолиннинг иқтисодиёт тармоқларида бандлигини аниқлаш ва таҳлил қилиш. Шунингдек, хариталардан илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш.

7-синф “Географик хариталардан фойдаланиш” мавзусида ўқувчилар олган билим кўникмаларига таяниб, географик атлас ва хариталар ёрдамида давлатлар, шаҳарлар туманлар орасидаги ер юзидаги ҳақиқий масофани (масштаб асосида), уларнинг географик ўрнини, координаталарини, табиий хариталардан тоғларнинг баландлигини, денгиз ва океанларнинг чуқурлигини аниқлаб топадилар. Тупроқ ва ўсимлик хариталаридан ўзлари яшайдиган ҳудудларда қандай тупроқ ва ўсимлик турлари тарқалганлигини, тупроқ унумдорлиги, шўрланганлик даражасини ва сабабларини таҳлил

қилиш орқали ўқувчиларда табиий жараён ва ҳодисаларни кузатиш, тушиниш ва тушунтириш, атлас ва хариталардан фойдалана олиш, географик билимларни амалиётда қўллай олиш компетенциялари шакллантирилади. Шунингдек ўқувчиларда математика, ботаника, зоология фанларидан олган билимларига таяниб берилган объектларни масштаб асосида аниқлаб топадилар ва ўзилари яшайдиган худуддаги тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонат оламининг тарқалиши уларнинг табиий шароитга мослашуви ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўладилар.

### **Географик объектлар ва жой номларини тўғри қўллай олиш:**

География кенг қамровли фан бўлиб, дарс давомида жуда кўплаб объектлар, жой номлари, терминлар ва атамалар номларидан фойдаланилади. Харита , атлас ,глобусларда кўплаб жой ва объектлар номлари қисқартирилган ҳолатда берилади, масалан: Муллали бот.(ботифи), Тахку т.(тоғи ), Қорақарға дов. (довони), Бенгалия қўл.(қўлтифи) , Гибралтар бўғ.(бўғози), Ява о.(ороли) ва ҳакозолар. Ўқувчилар юқоридаги қисқартмаларни билишлари учун хариталарни ўқий олиш кўникмаларига эга бўлишлари керак. География фанида кўплаб ҳалқаро ташкилот номлари қисқартирилган ҳолда ишлатилади, масалан: БМТ, ОПЕК , АСЕАН , ЮНЕСКО, НАТО, ЕИ , НАФТА ва бошқалар. Ўқувчилар ташкилотларнинг тўлиқ номларини билишлари керак. Бундан ташқари географияда жуда кўплаб термин ва атамалар ишлатилади , масалан : б - синфда “ Жанубий Американинг табиат зоналари ” мавзусида сельва (экваториал ўрмонлар ), пампа ( дашт ) , парамос( баланд тоғ ўтлоқлари ) , пау бразил( қизил дараҳт ) ,пиранья ( йиртқич балиқ) ва бошқалар. Ўқувчилар юқорида номлари келтирилган объектлар,жой номлари , фанга оид терминлар ва атамаларни билишлари, улардан кундалик ҳаётлари давомида фойдаланишлари учун , географияга оид фанларни пухта билишлари зарур.

### **География фанидан синфлар кесимида мавзулар бўйича шакллантириладиган компетенциялардан намуналар.**

## **5-СИНФ “ТАБИИЙ ГЕОГРАФИЯ БОШЛАНГИЧ КУРСИ”**

| Дарс тартиби | Бўлим ва мавзулар                    | Соат | Шакллантирилаётган компетенциялар                      | Амалга ошириш усули                                | Дарс ўтиш санаси | Ўйга вазифа |
|--------------|--------------------------------------|------|--|--|------------------|-------------|
| 1 - дарс     | Кириш.<br>География нимани ўрганади? |      | Ахборотлар билан ишлаш.Табиий жараён ҳамда ҳодисаларни | Ўқувчиларнинг фан ҳақидаги дастлабки тушунчаларини |                  |             |

|  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  | кузатиш, аниқлаш, тушуниш ва тушунтириш. | аниқлаш ва умумлаштириш. Коммуникатив сухбат ўтказиш . |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|

**Ер қандай ўрганилган? (2 соат)**

|         |   |   |   |  |  |  |
|---------|---|---|---|--|--|--|
| 2- дарс | Қадим замонларда одамлар Ерни қандай тасаввур қилишган? | 1 | Ахборотлар билан ишлаш. Табиий жараён ҳамда ҳодисаларни кузатиш, аниқлаш, тушуниш ва тушунтириш.  | Тушунчалар таҳлили, Венн диаграммаси методлари орқали  |  |  |
| 3- дарс | Ер юзининг кашф этилиши ва ўрганилиши                   | 1 | Ахборотлар билан ишлаш. Табиий, ижтимоий-иктисодий жараён ҳамда ҳодисаларни кузатиш, аниқлаш, тушуниш ва тушунтириш.. Умуммаданий компетенцияларни шакллантириш. Глобус, географик атлас ва хариталардан амалиётда фойдалана олиш | Ақлий хужум, кичик гурухларда ишлаш, атлас билан ишлаш |  |  |

**Ер - Қуёш системасидаги сайёра (3 соат)**

|         |  |   |  |  |  |  |
|---------|--|---|--|--|--|--|
| 4- дарс | Қуёш, Ой ва юлдузлар                         | 1 | Табиий жараён ҳамда ҳодисаларни кузатиш, аниқлаш, тушуниш ва тушунтириш.   | Атлас ва жадваллар билан ишлаш, тезкор савол-жавоб методи орқали |  |  |
| 5- дарс | Ернинг ўз ўқи атрофида айланиши ва катталиги | 1 | Табиий жараён ҳамда ҳодисаларни кузатиш, аниқлаш, тушуниш ва тушунтириш. Глобус, географик атлас ва хариталардан амалиётда фойдалана олиш: | БББ методи, Блиц-сўрови орқали, глобус ва теллурий билан ишлаш   |  |  |

|         |                                |   |  |   |  |  |
|---------|--------------------------------|---|--|---|--|--|
| 6- дарс | Ернинг Куёш атрофида айланиши. | 1 | Табиий жараён ҳамда ҳодисаларни кузатиш, аниқлаш, тушуниш ва тушунтириш. Глобус,географик атлас ва хариталардан амалиётда фойдалана олиш . | БББ методи, Блиц-сўров, Тушунчалар тахлили орқали, глобус ва теллурий билан ишлаш |  |  |
|---------|--------------------------------|---|--|---|--|--|

**Жой плани ва географик хариталар (5 соат)**

|         |                                  |   |   |  |  |  |
|---------|----------------------------------|---|---|--|--|--|
| 7- дарс | Йўналиш азимути масофани ўлчаш   | 1 | Глобус,географик атлас ва хариталардан амалиётда фойдалана олиш. Математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияси.  | Ақлий ҳужум методи орқали, дарслик билан ,ясама ўлчов филдираги билан ишлаш. |  |  |
| 8- дарс | Масштаб                          | 1 | Глобус, географик атлас ва хариталардан амалиётда фойдалана олиш. Математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияси. | Савол-жавоб, турли масштабли глобус, атлас ,хариталар билан ишлаш .          |  |  |
| 9- дарс | Жойнинг топографик планини тузиш | 1 | Глобус,географик атлас ва хариталардан амалиётда фойдалана олиш. Математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш                                  | Дарслик ва топографик хариталар билан ишлаш, амалий иш бажариш орқали.       |  |  |

|         |   |   |   |  |  |  |
|---------|---|---|---|--|--|--|
|         |   |   | ҳамда фойдаланиш компетенцияси.   |  |  |  |
| 10-дарс | Жойнинг топографик планидан фойдаланиш. | 1 | Ахборотлар билан ишлаш . Глобус,географик атлас ва хариталардан амалиётда фойдалана олиш.   | Агар мактабингиз шаҳар мактаби бўлса, ўз шаҳрингиз планидан ёки қишлоқ, посёлкада яшасангиз, вилоят харитасидан фойдаланиш.  |  |  |
| 11-дарс | Географик харита                        | 1 | Глобус,географик атлас ва хариталардан амалиётда фойдалана олиш. Математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияси | Харита, ўқув атласи билан ишлаш. Савол – жавоб, турли масштабли хариталар ёрдамида масофа ва жойнинг географик координаталарини аниqlаш. Мактаб географик майдончасида (ёки мактаб ҳовлисида) амалий машғулот ўtkазишни ташкил этиш. |  |  |

**Ернинг тош қобиғи – Литосфера (5 соат)**

|         |                                       |   |   |  |  |  |
|---------|---------------------------------------|---|---|--|--|--|
| 12-дарс | Ернинг қобиқли тузулганлиги Литосфера | 1 | Табиий жараён ва ҳодисаларни кузатиш, тушиниш ва тушунтириш. Ахборотлар билан ишлаш .                 | Ақлий хужум, кичик гурухларда ишлаш.           |  |  |
| 13-дарс | Ер пўстининг ҳаракатлари.             | 1 | Ахборотлар билан ишлаш. Табиий жараён ва ҳодисаларни кузатиш, тушиниш ва тушунтириш. (Ер шарига бўлиб | Ақлий хужум, савол-жавоб. Харита билан ишлаш . |  |  |

|         |                                     |   |   |   |  |  |
|---------|-------------------------------------|---|---|---|--|--|
|         |                                     |   |   | ўтадиган табий жараён ва ҳодисаларни (вулқон, зилзила, ер қимирлаш) ҳосил бўлиш сабабларини айта олиш. Ўзи яшайдиган (вилоят шаҳар, туман) жойда бўлиб ўтган зилзила, ер қимирлаш уларнинг оқибатларини кузатиб бориш |  |  |
| 14-дарс | Ер юзи релефининг асосий шакиллари. | 1 | Aхборотлар билан ишлаш. Табий жараён ва ҳодисаларни кузатиш, тушиниш ва тушунтириш. | Географик майдончада амалий ишларни ташкил этиш. Хариталар билан ишлаш.   |  |  |
| 15-дарс | Ер тошқобиғиниң асосий бойликлари.  | 1 | Aхборотлар билан ишлаш. Табий жараён ва ҳодисаларни кузатиш, тушиниш ва тушунтириш. | Ақлий хужум, сухбат. Ўзи яшайдиган ҳудудда тоғжинсларининг коллексиясини тузиш.   |  |  |

**6-СИНФ  
МАТЕРИКЛАР ВА ОКЕАНЛАР ТАБИЙ ГЕОГРАФИЯСИ.**

| Дарс тарт иби | Бўлим ва мавзулар   | Соат | Шакллантирилаё тган компетенциялар  | Амалга ошириш усули   | Дарс о`тиш санаси | Уйга вазифа |
|---------------|---|------|---|---|-------------------|-------------|
| 1 - дарс      | Кириш:<br>Материклар ва океанлар табиий географияси курсида нималар ўрганилади? | 1    | Aхборотлар билан ишлаш . Глобус,географик атлас ва хариталардан амалиётда фойдалана олиш. Умуммаданий компетенцияларни шакллантириш | Ўкувчиларнинг билимларини аниклаш ва умумлаштириш. Коммуникатив сухбат, ақлий хужум. Тушунчалар таҳлили методидан фойдаланиш. |                   |             |
| 2-            | Географик   | 1    | Глобус,географик  | Карталар билан  |                   |             |

|      |  |  |   |   |  |  |
|------|--|--|---|---|--|--|
| дарс | хариталар ва уларнинг турлари.<br>Атласлар, глобуслар. |  | атлас<br>хариталардан амалиётда фойдалана олиш. | ва<br>ишлиш.<br>Тушунчалар таҳлили. Таққослаш методи. |  |  |
|------|--|--|---|---|--|--|

**Географик қобиқ (8 соат)**

|          |  |   |   |   |  |  |
|----------|--|---|---|---|--|--|
| 3-дарс   | Географик қобиқнинг чегаралари, хусусиятлари                     | 1 | Ахборотлар билан ишиш. Табиий жараён ва ҳодисаларни кузатиш, тушиниш ва тушунтириш.   | Ақлий хужум, кичик гурухларда ишиш                            |  |  |
| 4-5-дарс | Географик қобиқнинг ривожланиш конуниятлари                      | 2 | Табиий жараён ва ҳодисаларни кузатиш, тушиниш ва тушунтириш.  | БББ методи, Блиц сўрови,<br>Тушунчалар таҳлили.               |  |  |
| 6-дарс   | Литосфера ва Ер релефи<br>Гидросфера.<br>Унинг таркибий қисмлари | 1 | Табиий жараён ва ҳодисаларни кузатиш, тушиниш ва тушунтириш.<br>Ахборотлар билан ишиш.  | Ақлий хужум, диққатни тортиш машқи                            |  |  |
| 7-дарс   | Атмосфера.<br>Ернинг иқлим минтақалари                           | 1 | Табиий жараён ва ҳодисаларни кузатиш, тушиниш ва тушунтириш.<br>Ахборотлар билан ишиш.  | Харита, ўқув атласи билан ишиш. Ақлий хужум, гурухларда ишиш. |  |  |
| 8-дарс   | Табиат комплекслари, уларнинг алмашиниши ва зоналари             | 1 | Глобус, географик атлас ва хариталардан амалиётда фойдалана олиш.<br>Табиий жараён ва ҳодисаларни кузатиш, тушиниш ва тушунтириш. | Чархпалак, Блиц сўрови  |  |  |

**7-СИНФ**  
**ЎРТА ОСИЁ ВА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАБИЙ ГЕОГРАФИЯСИ.**

| Дарс тарт иби                              | Бўлим ва мавзулар  | Соат | Шакллантирилаётган компетенциялар   | Амалга ошириш усули  | Дарс о`тиш санаси | Уйга вазифа |
|--|--|------|---|--|-------------------|-------------|
| <b>I-қисм Ўрта Осиё табиий географияси</b> |  |      |   |  |                   |             |
| 1 - дарс                                   | Кириш. Ўлканинг табиий географик хусусиятлари                      | 1    | Табиий жараён ва ходисаларни кузатиш, тушиниш ва тушунтириш. Ахборотлар билан ишлаш.  | Ўқувчиларнинг билимларини аниқлаш ва умумлаштириш. Коммуникатив сухбат, ақлий хужум методи |                   |             |
| 2-дарс                                     | Ўрта Осиёнинг географик ўрни, чегаралари ва ўзига хос хусусиятлари | 1    | Глобус,географик атлас ва хариталардан амалиётда фойдалана олиш. Ахборотлар билан ишлаш.  | Географик атлас ва хариталар билан ишлаш, Тушунчалар таҳлили                               |                   |             |
| 3-дарс                                     | Ўрта Осиёнинг ўрганилиш тарихи                                     | 1    | Ахборотлар билан ишлаш. Умуммадан ий компетенцияларни шакллантириш  | Ақлий хужум, кичик гуруҳларда ишлаш  |                   |             |
| 4-дарс                                     | Ўрта Осиёнинг аҳолиси ва сиёсий харитаси                           | 1    | Глобус,географик атлас ва хариталардан амалиётда фойдалана олиш. Ижтимоий-иктисодий жараён ва ходисаларни кузатиш, тушиниш ва тушунтириш. Миллий ва умуммаданий компетенцияларни шакллантириш | БББ методи, Блиц сўрови. Тушунчалар таҳлили методи   |                   |             |
| 5-дарс                                     | Харита андозалари хақида тушунча.                                  | 1    | Глобус,географик атлас ва хариталардан амалиётда фойдалана олиш.  | Карта билан ишлаш, Ақлий хужум   |                   |             |

|          |  |   |  |  |  |  |
|----------|--|---|--|--|--|--|
| 6- дарс  | Географик хариталар ва уларнинг шартли белгилари             | 1 | Глобус,географик атлас ва хариталардан амалиётда фойдалана олиш. Географик объектлар, жой номларини тўғри кўллай олиш  | Карта билан ишлаш, Ақлий ҳужум, гурухларда ишлаш |  |  |
| 7- дарс  | Хариталарнинг турлари. Глобус. Хариталардан фойдаланиш       | 1 | Глобус,географик атлас ва хариталардан амалиётда фойдалана олиш. Географик объектлар, жой номларини тўғри кўллай олиш  | Ақлий хужум, карта билан ишлаш                   |  |  |
| 11- дарс | Вақт ўлчови. Соат минтақалари. Тақвимлар.                    | 1 | Табиий жараён ва ҳодисаларни кузатиш, тушиниш ва тушунтириш. Географик атлас ва хариталардан фойдалана олиш.   | БББ методи, Блиц сўрови, карта билан ишлаш.      |  |  |
| 12- дарс | Геологик вақт ҳисоби.  | 1 | Табиий жараён ва ҳодисаларни кузатиш, тушиниш ва тушунтириш.Математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияси | БББ методи, Блиц сўрови, Кластер методи.         |  |  |
| 13- дарс | Ўрта Осиё худудининг ривожланиш тарихи, фойдали қазилмалари. | 1 | Табиий жараён ва ҳодисаларни кузатиш, тушиниш ва тушунтириш. Географик атлас ва хариталардан фойдалана олиш.   | БББ методи, Тармоқлар методи                     |  |  |

**8-СИНФ**  
**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТІСОДИЙ ГЕОГРАФИЯСИ**

| Дарс тарт иби          | Бўлим ва мавзулар  | Соат | Шакллантирилаётган компетенциялар   | Амалга ошириш усули   | Дарс ўтиш санаси | Уйга вазифа |
|------------------------|--|------|---|---|------------------|-------------|
| <b>И - с х о р а к</b> |  |      |   |   |                  |             |
| 1-дарс                 | Кириш  | 1    | Ахборотлар билан ишлаш. Ижтимоий-иқтисодий жараён ва ходисаларни кузатиш, тушиниш ва тушунтириш. Миллий ва умуммаданий компетенцияларни шакллантириш  | Ўқувчиларнинг билимларини аниклаш ва умумлаштириш . Коммуникатив сухбат, ақлий ҳужум. |                  |             |
| 2-дарс                 | Ўзбекистон нинг географик ўрни   | 1    | Глобус,географик атлас ва хариталардан амалиётда фойдалана олиш . Иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни кузатиш, тушуниш ва тушунтириш, географик атлас ва хариталардан фойдалана олиш. Умуммаданий компетенцияларни шакллантириш | Карта билан ишлаш, Мулоқот, дидактик материаллар билан ишлаш                          |                  |             |
| 3-дарс                 | Ўзбекистон нинг табиий шароити ва табиий бойликлари                    | 1    | Табиий,Иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни кузатиш, тушуниш ва тушунтириш, глобус,географик атлас ва хариталардан амалиётда фойдалана олиш.   | БББ методи, Блиц сўрови орқали, Мулоқот, дидактик материаллар билан ишлаш             |                  |             |
| 4-дарс                 | Табиий шароит ва табиий бойликларн инг миллий иқтисодиёт даги аҳамияти | 1    | Табиий,иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни кузатиш, тушуниш ва тушунтириш. Табиатни муҳофаза қилиш ва экологик маданият.  | Блиц сўрови. Тушунчалар таҳлили,Кластер методи.                                       |                  |             |
| 5-дарс                 | Ўзбекистон аҳолиси.  | 1    | Иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни кузатиш, тушуниш ва тушунтириш, географик атлас ва хариталардан фойдалана олиш, табиатни муҳофаза қилиш ва экологик маданият,миллий ва умуммаданий компетенцияларни                         | Дарслик ва карта билан ишлаш, Мулоқот, жадваллар билан ишлаш                          |                  |             |

|         |   |   |  |  |  |  |
|---------|---|---|--|--|--|--|
|         |   |   | шакллантириш   |  |  |  |
| 6-дарс  | Аҳоли манзиллари  | 1 | Иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни кузатиш, тушуниш ва тушунтириш, географик атлас ва хариталардан фойдалана олиш. Географик объектлар, жой номларини тўғри қўллай олиш | Карта билан ишлаш, амалий машг'улот о'tказиш                                 |  |  |
| 7-дарс  | Ўзбекистон миллий иқтисодиёт ининг тузилиши. Ўзбекистон нинг тармоқлара ро мажмуалари | 1 | Табиий, иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни кузатиш, тушуниш ва тушунтириш. Табиятни муҳофаза қилиш ва экологик маданият.  | Блиц сўрови. Тармоқлар методи, амалий машғулот ўтказиш.                      |  |  |
| 9-дарс  | Ёқилғи энергетика-кимё мажмуаси   | 1 | Иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни кузатиш, тушуниш ва тушунтириш, географик атлас ва хариталардан фойдалана олиш. Табиятни муҳофаза қилиш ва экологик маданият.        | Дарслик ва карта билан ишлаш, Тармоқлар методи                               |  |  |
| 10-дарс | Ёқилғи саноати  | 1 | Иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни кузатиш, тушуниш ва тушунтириш, географик атлас ва хариталардан фойдалана олиш. Географик объектлар, жой номларини тўғри қўллай олиш | Дарслик ва карта билан ишлаш. Блиц сўрови. Мулоқот, жадваллар билан ишлаш    |  |  |
| 11-дарс | Кўмир саноати   | 1 | Географик атлас ва хариталардан фойдалана олиш. Географик объектлар, жой номларини тўғри қўллай олиш Табиятни муҳофаза қилиш ва экологик маданият.                     | Дарслик ва карта билан ишлаш, Мулоқот, дидактический материаллар билан ишлаш |  |  |
| 12-дарс | Электроене ргетика  | 1 | Иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни кузатиш, тушуниш ва тушунтириш. Географик объектлар, жой номларини тўғри қўллай олиш Табиятни муҳофаза қилиш ва экологик маданият.   | Дарслик ва карта билан ишлаш, Мулоқот, жадваллар билан ишлаш                 |  |  |



## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сонли “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълим мининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ти қарори.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. –Т.: 1997.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» –Т.: 1997.
4. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. –Т.: Ўқитувчи, 1992.
5. Atlas. Tabiiy geografiyaning boshlang'ich kursi. 5 sinf. Toshkent, O'zbekiston Respublikasi yer resurslari, geodeziya, kartografiya va davlat kadastro davlat qo'mitasi, 2015.
6. Vahobov H. Umumiy Yer bilimi. Darslik. –T.: Bilim, 2005.
7. Samyayev A.Q. Geografiya fanidan amaliy mashg`ulotlar o'tkazish metodikasi. Uslubiy ko`rsatma. –Samarqand, 2015.
8. G`ulomov P.N., Qurbonniyozov R. Geografiya (Tabiiy geografiya boshlang`ich kursi). 5-sinf o`quvchilari uchun darslik. –Toshkent, 2015.
9. Фуломов П. ва бошқ. География. 7-синф. Тошкент: “Ўқитувчи”, 2015.
10. Шубаев Л.П. Умумий ер билими. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1975.

## МУНДАРИЖА

|  |       |
|--|-------|
| Кириш.....   | 3     |
| Компетенциявий ёндашувга асосланган таълим.....  | 4     |
| Таянч компетенциялар.....  | 4-6   |
| География фанидан фанга оид компетенциялар.....  | 6     |
| Табиий жараён ва ходисаларни кузатиш, тушиниш ва тушунтириш.....                                       | 7     |
| Иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни кузатиш, тушуниш ва тушунтириш.....                                  | 8     |
| Табиатни муҳофаза қилиш ва экологик маданият.....  | 9     |
| Глобус , географик атлас ва хариталардан фойдалана олиш.....   | 10    |
| Географик объектлар ва жой номларини түғри күллай олиш.....  | 11    |
| География фанидан синфлар кесимида мавзулар бўйича шакллантириладиган компетенциялардан намуналар..... | 11-19 |
| Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....  | 20    |



